ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ДЖУРАКУЛОВА ГУЛНОЗА ШАВКАТОВНА

ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ОТ ОБРАЗИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭПИК ФОРМУЛАЛАР ВА УЛАРНИНГ БАДИИЯТИ

10.00.08 – Фольклоршунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УЎК: 398.5(=512.133)

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on Philological sciences

Джуракулова Гулноза Шавкатовна
Ўзбек халқ достонларида от образи билан боғлиқ эпик формулалар ва уларнинг бадиияти 3

Джуракулова Гулноза Шавкатовна
Эпические формулы, связанные с изображением коня в узбекских народных эпосах и их поэтика 23

Djurakulova Gulnoza Shavkatovna
Epic formulas associated with the image of the horse in Uzbek folk epics and their poetics 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 47

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ДЖУРАКУЛОВА ГУЛНОЗА ШАВКАТОВНА

ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ОТ ОБРАЗИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭПИК ФОРМУЛАЛАР ВА УЛАРНИНГ БАДИИЯТИ

10.00.08 – Фольклоршунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Fil761 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Турдимов Шомирза Ганиевич** филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Жуманазаров Умурзоқ Абдураззоқович** филология фанлари доктори, профессор
	Халилова Дилбар Жалиловна филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи муассаса:	**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «_____» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Б. Тўхлиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., проф.

Л. Худайқулова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Ж. Эшонқулов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослигида дастлаб халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаш, тадқиқ этиш, фольклор намуналарини нашр қилиш жараёнлари кенг кўламда бажарилган бўлса, кейинчалик халқ ижоди асарларини илмий тадқиқ этиш борасида жиддий ютуқларга эришилди. Халқ эпосининг ўзига хос табиати, эпик сюжетлар генезиси, мотивлар поэтикаси, образлар силсиласи хусусида янгидан-янги тадқиқотлар юзага келди. Ўзбек халқ достонларини оғзаки ижод ижрочилари санъати билан боғлиқ жанрларнинг тарихий илдизлари, ривожланиш босқичлари, ижтимоий ва бадиий-эстетик қонуниятларини ойдинлаштиришга, қолаверса, халқнинг этногенезиси, миллий менталитети, маданияти, қадимий урф-одатлари, ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишда амалий хизмат қилади.

Дунё фольклоршунослигида халқ оғзаки ижоди асарларини қайси бахши ижро этишидан, шу асарга қанча янги мотив, элементларни қўшишидан қатъий назар бу асарларни доимий анъаналарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Санъаткор бахши эпик асарни куйлар экан, у, албатта, анъаналарга мурожаат этади, умумфольклор асарларига хос формулалардан ижодий фойдаланиб иш кўради. Анъанавий эпик формулаларни ўрганиш, асар сюжети ва композицион қурилишидаги вазифасини аниқлаш фольклоршунослигимиз-нинг муҳим масалаларидан бири саналади. Эпик формулаларнинг асар мазмунини очишдаги бадиий вазифалари ва уларнинг ҳар бир достончилик мактаби, ҳар бир бахши ижодида ўзига хос равишда намоён бўлишини атрофлича тадқиқ этиш биз танлаган мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Бугунги кунда маънавий қадриятлар тизимининг таянчи, халқнинг ўтмиш тарихи, яшаш тарзи, маросим ва анъаналари, ахлоқий қарашлари, оламни эстетик идрок этишининг ўзига хос бадиий ҳосиласи, миллий маънавиятимизни бебаҳо хазинаси халқ достонларини ўрганиш фольклоршунослигимизнинг устувор вазифаларидан бирига айланди. Зеро, улар халқ яратган нодир маънавий бойлик сифатида асрлар оша олийжаноб ғояларни бетакрор бадиий шаклларда кишилар қалбига жо этишда бебаҳо сарчашма сифатида хизмат қилиб келмоқда. Мана шунинг учун ҳам биз халқ ижодини, унинг ажралмас таркибий қисми бўлмиш достонларни, уларни ижро этувчи бахшиларни ва уларнинг юксак санъатини миллий-маънавий қадрият сифатида ҳамиша ардоқлаймиз. “Инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари, энг аввало, ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам топгани ҳаммамизга яхши маълум. Турли халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадрли”[1] бўлиб, халқимиз маънавий истиқболида муҳим аҳамият касб этади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019. 7 апрель. – № 68.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги № 222-сонли “2010-2020 йилларда Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 26 апрелдаги 304-сон “Бахшичилик ва достончилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорига, 2018 йил 22 ноябрдаги 946-сон “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига, 2021 йил 10 апрелдаги ПҚ-5070-сон “II Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва бахшичилик санъатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Эпос поэтикасида эпик формулалар масаласини ўрганишга XIX аср охири XX аср бошларидан буён эътибор берилмоқда. Ғарб фольклоршунослигида оғзаки ижод назариясининг ривожлантирилиши, асосан, М.Пэрри ва А.Б.Лорд[2] номлари билан боғлиқ. Гомер ижодини ўрганар экан, М.Пэрри биринчи бор “формула” атамасини қўллаб, бугун барча бир овоздан маъқуллайдиган хулоса – Гомер оғзаки ижод вакили, эпик шоир бўлган, деган хулосага келади. Ўзининг назариясини тасдиқлаш мақсадида М.Пэрри замонавий, бугун ҳам истеъмолда бўлган югослав достончиларининг оғзаки ижодига мурожаат қилади. Улар “Оғзаки ижоднинг асосий бирлиги сўз эмас, формуладир” деган қатъий хулосани илгари суради.

[2] Parry M. The Making of Homeric Verse. The collected papers of Milman Parry. Oxf.,1971.;Лорд А.Б. Сказитель. –М.:Восточная литература. 1994.

Лорд ва унинг издошлари услубий восита (клише), поэтик тасвир, тавсиф, наррация ва ҳ.к.ларнинг барча унсурларини умумлаштирадиган ва қатъийлаштирадиган восита сифатида формула тушунчасининг фольклоршуносикда чуқур ўрнашишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Румин, айрим славян ва Ғарбий Европа ҳамда Шарқ мамлакатлари эртаклари асосида Н.Рошияну формулалар таркибини таҳлил қилди ва уларнинг вазифасини аниқлади.[3] Н.Рошияну таклиф қилган формулалар таснифи бугунги кунда барча томонидан қабул қилинган тасниф саналади. Эпик формулалар соҳасида қилинган ишлардан бири сифатида Ф.Миклошичнинг монографиясини[4] кўрсатиш мумкин. Ушбу монографияда муаллиф сербохорват, болгар, украин ва рус эпоси мисолида доимий такрорлар(эпик формула)ни ўрганиб чиқди.

Шу билан бир қаторда, эпик асарларидаги эпик формулалар устида турли тадқиқот усулларида К.Райхл, П.Ухов, В.Пропп, Б.Путилов, Т.Илларионова, Ю.Бултаков, Н.Ефремов, Л.Хайрнурова, О.Егорова,[5] каби бир қанча олимлар изланишлар олиб бордилар. Улар орасида таниқли рус фольклоршуноси Б.Н.Путиловнинг “Эпик ижрочилик” деб номланган иши мавзуга кенг ракурсда эътибор берилганлиги, ўзбек достончилигига ҳам алоҳида тўхталганлиги билан ажралиб туради.

Ўзбек фольклоршунослигида ҳам бу борада анча ишлар амалга оширилган. Ўзбек халқ достонларида эпик формулалар ҳақида В.Жирмунский, Х.Зарифов дастлабки фикрлар айтган бўлсалар, Т.Мирзаев, Ж.Эшонқулов, С. Мирзаева, Ш.Махмадиев, З.Эшоноваларнинг тадқиқотларида[6] ушбу мавзуга тегишли муҳим фикр-мулоҳазалар баён этилган.

---

[3] Рошияну Н. Традиционные формулы сказки. М.: Главная редакция восточной литературы. 1974.

[4] Миклошич Ф. Изобразительные средства славянского эпоса. - М., 1895. – С. 203-236.

[5]Райхл К. Тюркский эпос : традиции, формы, поэтическая структура /пер. с англ. Трейстер под ред. Д.А. Функа - М.: Восточная литература, РАН, 2008. - 383 с;.Ухов П. Типические места (loci communes) как средство паспортизации былин// Русский фольклор. Материалы и исследования. М.; Л., №2. 1957. С. 129—154.; Пропп В.Русский героический эпос.– М.: Гос. изд-во худож. лит., 1958. – 603 с; Путилов Б. Эпическое сказительство. –М.: Восточная литература, 1997. – 295 с.; Илларионова Т. Вариативность эпических формул и типических мест в якутском героическом эпосе (на примере разновременных записей олонхо «Могучий Эр Соготох» В.О. Каратаева). ВЕСТНИК СВФУ, 2010, том7, № 4.; Бултаков Ю. Формульность как стилистическая особенность арабского героического эпоса (в свете теории Парри-Лорда). Вестник Челябинского государственного университета. 2012. № 12 (266). Политические науки. Востоковедение. Вып. 12. С. 107–109; Ефремов Н. Эпические формулы в тексте якутского героического эпоса олонхо: лингвистический аспект. ВЕСТНИК СВФУ, 2013, том 10, № 1.; Хайрнурова Л. Традиционные формулы в фольклорном тексте. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Уфа.2013.; Егорова О. Традиционные формулы как знаковая характеристика фольклорного произведения. Москва: Журнал “Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук”. №9-1/2016. ст-270;

[6] Жирмунский В., Зарифов Х. Узбекский народный героический эпос. – М.: Художественная литература, 1947. – 520 с; Мирзаев Т. “Алпомиш” достонинг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968.- 131.б.; Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979.- 169.б, Эшонқулов Ж. Эпос ва уни тадқиқ этиш масалалари. Ўзбек Фольклоршунослиги масалалари, VII китоб.–Тошкент.:Ўз.РФА “Фан”нашриёти. 2018. .- 136-142.б.; Мирзаева С. Ўзбек халқ романик достонлари поэтикаси. –Тошкент.:Ўз.РФА “Фан”нашриёти.2004. – 246 б.; Маҳмадиев Ш. Ўзбек халқ достонлари тилида стилистик формулалар. Филол. фан. номз. …дис.. Филол.фанлари номзоди... дисс. – Т.: 2007. –160 б.; Эшанова З. Ўзбек халқ достонларида тоғ образи: генезиси ва бадиий талқинлари. Филол.фанлари фалсафа доктори. ... дисс. – Тошкент, 2018. – 95б.

Ўзбек халқ достонларида от образи доимий иштирок этувчи муҳим образлар сирасига киради. Халқ достонларида от образининг ҳақидаги илк қимматли фикрлар Ҳ.Зарифов, А.Тилововнинг тадқиқотларида келтирилади. Аммо бу илмий асарларнинг мавзу ва мақсад йўналиши ўзбек халқ достонларида от образи билан боғлиқ эпик формулалар ҳамда уларнинг бадииятини тадқиқ этиш бўлмагани сабабли биз назарда тутган муаммоларни ҳал қилишда етарли деб бўлмайди.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот режаси ҳамда Ф1-ФА.2012-1-8 “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари”(2012-2021йй.) мавзусидаги илмий лойиҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади халқ эпосида от образи билан боғлиқ эпик формулаларнинг тутган ўрни, бадиий вазифалари, барқарор эпик шаклларнинг етакчи кўринишларини аниқлаш ва уларнинг достон композициясида тутган ўрни ҳамда семантик аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек халқ достонларидаги эпик формулаларнинг вужудга келиш омилларини аниқлаш, жанрий, вазифавий хусусиятлари ва поэтик табиатини белгилаш;

ўзбек халқ достонларида анъанавий эпик формула ва шаклларни таснифлаш, асосий типларини кўрсатиш, ва хоссаларини мавжуд назарий қарашлар асосида ўрганиш;

муайян достончилик мактаблари ҳамда уларнинг донгдор вакиллари репертуаридаги намуналарда от образи билан боғлиқ эпик формула типларини қиёсий кесимда таҳлил этиш;

эпик от образининг достон сюжетидаги ўрни ва бадииятини очиб беришда эпик формулаларнинг ўрни бадиий жиҳатдан тадқиқ этиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти фольклор архивида сақланаётган манбалар ва ўзбек халқ достонларининг турли йиллардаги нашрларидан танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбек халқ достонларида анъанавий эпик формула ва шаклларни, тадрижий тараққиёт босқичларини ўрганиш; ўзбек халқ достонларида анъанавий эпик формулаларни таснифлаш; муайян достончилик мактаблари ҳамда уларнинг донгдор вакиллари репертуари намуналаридаги от образи билан боғлиқ эпик формулаларнинг ўзига хос қўлланилишини қиёсий планда тадқиқ этиш; эпик от образининг достон сюжетидаги ўрни ва бадииятини очиб беришда эпик формулаларнинг ўрнини кўрсатиш бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал-семиотик ҳамда этнофольклористик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

барқарор эпик формула ва шаклларнинг генезиси ҳамда тадрижий тараққиёт босқичлари аниқланган, эпик формулаларнинг ўзбек халқ достонлари сюжети ва композициясидаги бадиий санъат сифатида намаён бўлувчи кичик, барқарор шеърий мисра кўринишидаги ўрта ва мавзуларни қамровчи катта эпик формулали шакллари далилланган;

ўзбек халқ достонларидаги эпик формулаларнинг кичик, ўрта, катта кўринишдаги асосий типлари ўрганилиб, уларнинг халқ достонлари таркибидага ўрни, ўзига хос хусусиятлари, достон бадииятидаги вазифалари, вариантлар ўртасидаги маъно кўламига қиёсан ойдинлик киритилган;

ўзбек халқ достонларида от таърифини куйлашда барқарор шеърий шаклдаги эпик формулаларнинг бахши бадиҳагўйлигидаги ўрни, достонларда от таърифининг мумтоз кўриниш олиши ва достон воқелигига уйғун келишида эпик формулаларнинг бадиий функцияси кўрсатиб берилган;

от образи билан боғлиқ эпик формулаларнинг ҳар бир достончилик мактабларига хос анъанавий ва бир ижодкор репертуарига хос кўринишлари аниқланиб, етакчи халқ шоирлари куйлаган достонлардаги индувидуал намуналар анъанавий шакллар билан қиёсий кесимда далилланган.

халқ достонларидаги эпик от образи иштирок этувчи сафар, пойга мотивлари ва от эгарлаш, от анжомлари мавзуларидаги эпик формуларнинг ўрни ҳамда семантикаси ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек халқ достонларидаги эпик формулалар илк бор монографик планда қиёсий ёритилганлиги асосланган;

турли халқлар фольклоридаги эпик формулаларнинг илмий тадқиқ этилишига доир манбалар яхлит тизим ҳолида жамланиши натижасида уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни умумлаштиришга эришилган;

эпик формулалар, уларнинг таснифи ва типларига оид манбалар тўпланиб, жаҳон фольклоршунослигининг янгича тамойиллари асосида ўрганилган;

ўзбек халқ достонларидаги эпик формулаларнинг ўзига хос тип хусусиятлари, бошқа типлар билан фарқли жиҳатлари, ўзаро алоқадорлиги, композицияси, ғоявий-бадиий хусусиятлари ёритиб берилган;

ўзбек халқ достонларидаги от образи билан боғлиқ эпик формулаларнинг типологик ўхшашлиги ва ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек фольклоршунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, ўзбек фольклори, фольклоршунослик, қиёсий фольклоршунослик, лингвофольклористика, этнофольклористика каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши далиллаб берилган;

эпик формулаларнинг ўзига хосликларини, ўзбек фольклоридаги ўрни ва вазифаларини белгилаб олишда, шунингдек, ўзбек халқ достонларидаги от образи билан боғлиқ шаклларининг қардош халқлар эпик формулалари билан

типологик ўхшашликларини ўрганишда муҳим фактик материал бўлиб хизмат қилиши исботланган;

ҳозирга қадар ёзиб олинган, нашр этилган, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти Фольклор архивида сақланаётган ўзбек ва қорақалпоқ халқ достонларини нашр этилиши режалаштирилган тўпламга матний жиҳатдан таҳлил қилиш учун манба яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий-типологик ҳамда структурал-семиотик таҳлил каби усуллар билан асосланиши; таҳлилга тортилган материалларнинг нашр этилган ва фольклор архивида сақланаётган манбалар ҳамда бевосита ўтказилган фольклор экспедициялари асосида танланганлиги; ёритилиши лозим бўлган илмий муаммонинг аниқлиги, ўзбек халқ достонларидаги от образи билан боғлиқ эпик формулалар генезиси, жанр хусусиятлари, вазифалари, типологияси ва бадиияти масалаларини ёритишда туркий халқлар ҳамда жаҳон фольклоршунослигининг эътиборли илмий манбаларига таянилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар нафақат ўзбек ўзбек халқ достонларидаги от образи билан боғлиқ эпик формулаларнинг тарихий-генетик асослари, жанрий хусусиятлари, бадиияти ва типологиясини фундаментал тадқиқ этишда муҳим манба вазифасини ўташи, балки ўзбек халқ достонларида қўлланилган эпик формулаларнинг шаклланиш тарихи ва бадиий эволюцияси билан боғлиқ илмий концепцияларни янада кенгайтириш ва тўлдиришга, умумфольклор масалаларининг ривожига хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек халқ достонларидаги от образи билан боғлиқ эпик формулаларнинг жанрий табиати, специфик хусусиятлари, типологияси ҳамда бадиияти борасидаги хулосалар ва илмий қарашларнинг олий ўқув юртларида “Ўзбек фольклори”, “Туркий халқлар фольклори”, “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” фанларидан дарс машғулотларини ўтишда, халқ оғзаки ижоди бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва монографияларнинг мукаммаллашувида, туркология соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришда зарур илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек халқ достонлари таркибидаги от образи билан боғлиқ эпик формуларнинг типлари, шаклий кўринишлари, генезиси, юзага келиш омиллари, достон ижросидаги ўрни ва вазифаларини, бадиияти ва семантик кўламини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида 2017-2020 йилларда бажарилган “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари (36-65-жилдлар)” мавзусидаги ОТ-Ф1-76 рақамли фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2021 йил 15 сентябрьдаги №3/1255-

2498-сон маълумотномаси). Натижада Эргаш Жуманбулбул ўғлининг “Қундуз билан Юлдуз”, Фозил Йўлдош ўғлининг “Балогардон”, Раҳматулла Юсуф ўғлининг “Балогардон” достонларидаги эпик от Ғирот образи билан боғлиқ эпик формулаларнинг қўлланилишида халқ бахшиларининг ўзига хос поэтик маҳорати ва бадиҳагўйлигини ёритишда муҳим асос бўлган.

ўзбек халқ достонларидаги эпик формулалар, унинг жаҳон фольклоридаги аҳамияти, типологияси, генезиси, тарихий-тадрижий тараққиёти, бошқа тип шакллари билан алоқалари муносабат масалалари ҳақидаги назарий хулосаларидан ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2016-2020) фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 202 йил 05 октябрьдаги 17.01/240-сон маълумотномаси). Натижада, илмий тадқиқот хулосалари ўзбек ва қорақалпоқ фольклорининг жанрлар таркиби, тарихий асослари, бадиий эволюцияси, типологияси ва ўзига хос хусусиятларини ёритишга хизмат қилган;

ўзбек халқ достонларидаги от образи билан боғлиқ эпик формулалар ва уларнинг бадииятини ўрганиш ишини кенг омма орасида тарғиб қилишда тадқиқотнинг илмий-назарий хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “Бедорлик”, “Ижод завқи” “Таълим ва тараққиёт”, “Миллат ва маънавият” эшиттиришларининг сценарийларини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 14 сентябрдаги 04.25/1759-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек халқ достонларида қўлланилган эпик формулаларнинг шаклланиш тарихи ва бадиияти билан боғлиқ илмий хулосаларидан ушбу эшитиришларнинг мазмунини бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 4 та республика, 6 та халқаро конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан хорижий журналда 2 та, республика журналларида 4 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, 6 фасл, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 145 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифаламмори, объекти ва предмети асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий қисмлари бўйича маълумотлар берилган.

Тадқиқотимизни **“Ўзбек халқ достончилигида эпик формулаларнинг тутган ўрни ва муаммонинг ўрганилиши”** деб номланган биринчи боби уч фаслдан ташкил топган. Биринчи фасл **“Ўзбек халқ достонларидаги эпик формулаларнинг ўрганилиши”** деб номланади. Эпос поэтикасида эпик формулалар масаласини ўрганишга XIX аср охири XX аср бошларидан буён эътибор берилмоқда. Жаҳон эпосшунослигида эпик формулаларининг аҳамияти ҳақида илк бор М.Н.Сперанский қаҳрамонлик достонларининг яратилиш жараёни мавжуд қолиплар асосида кечиши тўғрисида фикрлар берган бўлса, [7] кейинчалик А.В.Позднеев томонидан ҳам бу фикр тасдиқланди. Тадқиқотчи эпоснинг асосий хусусиятлари сифатида қуйидагиларни: 1) барча турдаги такрорлар, буларга матн орасида келадиган битта сўз(гап, абзац) такроридан тортиб бутун бир тавсифий такрорларгача бўлган loci communes (ўхшаш ўринлар такрори); 2) доимий эпитетларни қўллаш; 3) қиёслардан доимий фойдаланиш; 4) синтактик параллелизмни кўрсатди.[8] Ф.Миклошич эса сербохорват, болгар, украин ва рус эпоси мисолида доимий такрорлар(эпик формула)ни ўрганиб чиқди.[9] Б.Н.Путиловнинг “Эпик ижрочилик” монографиясида ҳам Европа, Осиё, Океания ва Африка халқлари эпосининг материаллари, кўплаб рус ва хорижий тадқиқотчилар ҳамда муаллифнинг кузатувлари бўйича ижрочи(бахши) таълим-тарбияси, айтувчининг ижро маҳорати, эпик билим ва эпик формулалар масаласида қимматли фикрлар келтирилган[10]. Кейинги йилларда дунё фольклоршунослигида Перри-Лорд назариясига[11] асосланган тадқиқотлар давом этмоқда. Хусусан, ёқут халқлари оғзаки ижоди эпик асарлари, олонхолари, тадқиқида[12] кенг қўлланилди. Бундан ташқари, хакас, араб, хатто XII аср охири - XIII аср бошларида яратилган немис халқ оғзаки ижоди намунаси “Нибулинглар ҳақида қўшиқ” асари устида ҳам шу йўналишдаги тадқиқотлар[13] олиб борилди.

Ўзбек фольклоршунослигида ҳам эпик формулалар масаласи тадқиқотчилар назаридан четда қолмади. Ходи Зарифнинг В.М.Жирмунский билан ҳамкорликда яратган “Узбекский народный героический эпос”

---

[7] Сперанский М. Русская устная словесность. – М.: Тип. И.Н. Кушнерева, 1917. – С. 470.

[8] Позднеев А. Общие места и “перенесения” в былинах // Проблемы истории литературы. - М., 1964. - С. 65-86.

[9] Миклошич Ф. Изобразительные средства славянского эпоса: - Древности: Тр. Слав. комиссии Моск. археолог. о-ва. - М., 1895. – С. 203-236.

[10] Путилов Б. Эпическое сказительство. –М.: Восточная литература, 1997. – 295 с.;

[11] Лорд А.Б. Сказитель. –М.:Восточная литература. 1994.

[12] Илларионова Т. Вариативность эпических формул и типических мест в якутском героическом эпосе (на примере разновременных записей олонхо «Могучий Эр Соготох» В.О. Каратаева). ВЕСТНИК СВФУ, 2010. том 7, № 4.; Ефремов Н. Эпические формулы в тексте якутского героического эпоса олонхо: лингвистический аспект. ВЕСТНИК СВФУ, 2013, том 10, № 1.

[13] Хайрнурова Л. Традиционные формулы в фольклорном тексте. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Уфа.2013.; Бултаков Ю. Формульность как стилистическая особенность арабского героического эпоса (в свете теории Парри-Лорда). Вестник Челябинского государственного университета. 2012. № 12 (266). Политические науки. Востоковедение. Вып. 12. –С. 107–109.

тадқиқотида[14] ўзбек халқ достонларида қўлланилувчи эпик формулалар ҳақида назарий фундаменталь маълумотларни кўрамиз. М.Саидов, Т.Мирзаев, Ж. Эшонқулов, С. Мирзаева тадқиқотларида[15] халқ достонларида қўлланиладиган эпик формулалар ва уларнинг адо этган вазифалари ҳақидаги мухим фикрлари шу соҳадаги кўплаб тадқиқотлар учун мухим манба саналади. Ш.С.Маҳмадиев "Ўзбек халқ достонлари тилида стилистик формулалар" диссертациясида[16] эса достонлар бадииятининг таркибий қисми бўлган эпик формулаларнинг лингвопоэтик хусусиятлари, уларнинг шаклланишига таъсир кўрсатадиган лингвистик ва экстралингвистик омиллар ҳақида сўз юритилган.

От образи ўзбек халқ достонларида доимий иштирок этувчи муҳим образлар сирасига киради. Халқ достонларида от образининг тарихий асослари ҳақида илк қимматли фикрлар Ҳоди Зариф "Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар"[17] мақоласида берилган. Шу йўналишдаги тадқиқотнинг давоми сифатида А. Тилавовнинг "Ўзбек халқ достонларидаги от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини" диссертатциясини[18] келтириш мумкин. Аммо бу илмий асарларнинг мавзу ва мақсад йўналиши ўзбек халқ достонларида от образи билан боғлиқ анъанавий эпик формула ва уларнинг бадииятини тадқиқ этиш бўлмагани сабабли биз назарда тутган муаммоларни ҳал қилишда етарли деб бўлмайди.

Бобнинг иккинчи фасли **"Эпик формулалар ва уларнинг таснифи"** деб аталади. Фольклоршуносликда эпик формула, стилистик формула ва бошқа "формула" сўзи иштирокидаги атамаларга тез-тез дуч келамиз. Бу ўринда аввало формула сўзининг маъно қамровига диққат қилиш керак бўлади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида формула ҳаётда мавжуд универсал қонуниятларнинг таърифи, белгиси, рамзий ифодасини билдиради. Эпик формула атамасидаги дастлабки эпик сўзи эса адабий атама сифатида эпосга оид, эпосда тасвирланган деган маънони ташийди. Демак, эпик формула эпос таркибидаги воқеалар, ҳолатлар, ўй-кечинма ва мулоҳазаларнинг универсал кўринишда доимий такрорланиб келувчи анъанавий, барқарор қонуният ҳолатига келган ифодали кўриниши, шакл ва эпик матнни қайта тузиш имконини берувчи восита, бир неча авлод вакиллари иштирок этган мураккаб жамоавий ижод жараёни намунаси сифатида маъновий яхлит, турли ижрочилар томонидан турфа сюжетли асарларда такрор сифатида доимий қўлланадиган поэтик шаклдир. Эпик формулалар бир сўз, бир неча

---

[14] Жирмунский В., Зарифов Х. Узбекский народный героический эпос. – М.: Художественная литература, 1947. – Б.430-434.

[15] Мирзаев Т. "Алпомиш" достонининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968.- 131.б.; Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979.- 169.б, Эшонқулов Ж. Эпос ва уни тадқиқ этиш масалалари. Ўзбек Фольклоршунослиги масалалари, VII китоб.–Тошкент.:Ўз.РФА "Фан"нашриёти. 2018. .- 136-142.б.; Мирзаева С. Ўзбек халқ романик достонлари поэтикаси. –Тошкент.:Ўз.РФА "Фан"нашриёти. 2004. – 246 б.

[16] Маҳмадиев Ш. Ўзбек халқ достонлари тилида стилистик формулалар. Филол. фан. номз. …дис.. Филол.фанлари номзоди... дисс. – Т.: 2007. –Б.160;

[17] Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар //Пўлкан шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. - Т.: Фан, 1976. –Б.-65-88.

[18] Тиловов А. Ўзбек халқ достонларидаги от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини. Филол.фанлари номзоди...дис. –Тошкент,2000. Б-125

сўз, бир мисра, бир неча мисра ёки бир неча бандлардан иборат бўлиши мумкин.

Эпик асарларда ижрочилик техникаси нуқтаи назаридан формулалардан фойдаланиш тамойиллари, формулаларнинг ўрни ва роли, анъанавийлик ва импровизация ўртасидаги нисбат ва ҳажм жиҳатини инобатга олиб формулаларни қуйидагича таснифладик:

1. Кичик эпик формулалар
2. Ўрта эпик формулалар.
3. Катта эпик формулалар.

Географик тарқалишига кўра ҳам эпик формулалар уч гуруҳга ажралади. Биринчиси бу умумхалқ доирасида, яъни бир халқ яшовчи, достон яратилган ва куйланаётган барча худуд бахшилари учун умумий формулалар. Иккинчиси бирор бир мактаб ёхуд унинг бир неча вакилларига хос бўлган эпик формулалар. Учинчиси индивидуал эпик формулалар – айрим ўта истеъдодли бахшилар фақат ўзларига хос янги эпик формулалар яратишади, бу шу гуруҳ эпик формулари саналади.

Ишимизнинг иккинчи бобини **“От образи билан боғлиқ кичик эпик формулалар ва уларнинг бадиияти”** деб белгиладик. Мазкур бобнинг биринчи фасли “Ўхшатишли кичик эпик формулалар таҳлили” деб номланган. Кичик эпик формулалар ўхшатиш, истиора (метафора), эпитет (сифатлаш), муболаға, жонлантириш, перефраза, рамз каби бадиий санъатни ифодаловчи ҳажм жиҳатидан кичикроқ, бир ёки бир неча сўздан иборат эпик формулалар саналади. Айрим бадиий санъатларнинг такрор ва такрор барқарор ҳолатда достонларда қўлланилиши уларни эпик формулалар сирасига киргизишимизга сабаб бўлди. Халқ достонларида ўхшатишли кичик эпик формулалар бош қаҳрамон билан ҳамиша ёндош юрувчи от образига нисбатан ҳам кенг қўлланилади. Отнинг таъриф ва тавсифи бериладиган парчаларда ўхшатишли кичик эпик формулалар ёрдамчи восита сифатида бахшининг от портретини тўлақонли чизиши учун бош кўмакчи вазифасини ўтайди.

Масалан, ўхшатиш асосидаги анъанавий кичик эпик формулалар Аҳмаджон Соибназаров куйлаган “Гўрўғлининг ўзининг пайдо бўлиши” достонида от таърифини келтиришда қўлланилган:

Масалан, ўхшатиш асосидаги анъанавий кичик эпик формулалар Аҳмаджон Соибназаров куйлаган “Гўрўғлининг ўзининг пайдо бўлиши” достонида от таърифини келтиришда қўлланилган:

Кокилларинг малишдай,
Қулоқларинг қамишдай.
Бошинг чайқаб ўйнашинг,
Ўрдадаги бибишдай.[19]

Шу парчанинг давомида қуйидагича мисралар келади:

[19] Гўрўғлининг пайдо бўлиши” Аҳмаджон Сойибназаров варианти. ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. № 1533.

Гўрўғлининг ўзининг пайдо бўлиши. Айтувчи: Аҳмаджон Соибназаров	Таркибадахшон. Айтувчи: Чори Умиров	Зайдиной. Айтувчи: Қодир Раҳим ўғли	Малла савдогар. Айтувчилар: Ч.Раҳматуллаев, Ш.Болтаев, А.Поёнов	Олтин қабоқ. Айтувчи: Абдуназар Поёнов
Силтаб-силтаб ўйнашинг, Бойларнинг эрка қизидай.	Нишабдан, қаранг, ташлаши, Туркманни сулув қизидай.	Ирғалиб кеб юриши, Бойнинг эрка қизидай.	Дирка-дирка ўйнайсан, Лўлининг эрка қизидай; Ҳар муқомга ўйнашинг, Лўлининг эрка қизидай.	Гижинг-гижинг ўйнайсан, Жўгининг эрка қизидай.

Бу ўхшатиш турли достонлар вариантларида қисман ўзгариб, маъновий бўёқдорлиги билан фарқлади.

“Отларни ҳар бир қисмига алоҳида таъриф ва ҳар бирини ўхшатиш асосида таърифлаш ўзбек халқ достончилигига хос услуб саналади. Ҳар бир ўхшатишнинг такрорланмаслиги, образлилиги, муболағадорлиги бундай парчаларни янада оҳангдор ва жозибали бўлишини таъминлайди. Отларни “қисмлаб” ўхшатиб тасвирлаш, бошқа халқлар достонларида ҳам учрайди. Хусусан, “Жангар” қахрамонлик эпосида отни муҳаббат билан ҳар бир аъзосини ўшатишлар воситасида тасвирлайди. [20] Кўп ҳолларда бадиий жиҳатдан тўлиқ шаклланган, асрлар синовидан ўтган кичик эпик формулалар доимий бир шаклда қўлланила бошлагач, ўрта эпик формулалар қаторига кириб, бахшининг эпик хотирасида мукум ўрнашади.

Иккинчи бобимизнинг иккинчи фасли **“Ўзбек халқ достонларида эпитетли кичик эпик формулалар тадқиқи”** деб номланади. Халқ достонларидаги от образлари учун доимий қўлланилувчи эпитетлар мавжуд бўлиб, улар кичик эпик формула сифатида барқарор шакл олган. Эпик от образга нисбатан назаркарда, бедов, дол, кўк, араби, тулпор, хоназот, арғумоқ, тўбичоқ, пироғ, асби този, асби қуш каби кичик эпик формулалар доимий қўлланади. Улар орасида энг машҳур, барча достончилик мактаблари учун бирдай хос, асосан “Гўрўғли” достонлари туркумида Гўрўғлининг тулпори Ғирот исми билан доимий бирга келувчи кичик эпик формула бу “назаркарда” эпитетидир.

Фольклоршунос олимлар назаркардалик мақоми қахрамоннинг алплик даражасининг биринчи белгиси, алп бўлиш учун биринчи босқич деб ҳисоблайдилар. Гўрўғли уч олам эранлари назарига тушган, назаркарда, чинакам алп ва бу олам қувватларига эранлар томонидан тарбият қилинган эди. У барча олам кучларидан ғолиб келувчи улкан куч-қувватга эга. Бу кичик эпик формула ҳам эпик қахрамон, ҳам эпик от учун бирдай қўлланилишининг сабаби Ғирот Гўрўғлидек қахрамоннинг доимий йўлдоши, ҳамфикр, ҳамроҳ сирдоши. Ғирот ҳам чилтонлар берган шаробни ичиб валийлар қаторига қўшилган, уларнинг парваришида бўлган, уларнинг

[20] Манджиева Б. Конь героя в калмыцкой богатырской сказке и в героическом эпосе «Джангар». Современные проблемы науки и образования. № 1. 2015. – С. 3.

назари тушган Гўрўғлига муносиб назаркарда тулпордир. Бу достонларда жуда кўп маротаба диққат қилунувчи тасвирдир. Ғиротга нисбатан бу кичик эпик формуланинг такрор ва такрор қўлланилиши азиз авлиёлар паноҳида, парваришида бўлганлиги билан асосланади. Бу хусусда “Гўрўғлининг туғилиши” достонида қуйидагича куйланади: “Гўрўғлибек ҳам қирқ чилтанларга қўшилди. Шунда ҳазрат Қутбил Ахтаб айтдилар: Гўрўғли шароб антахурни ичиб соҳибқирон бўлди. Соҳибқиронликни Ғирот кўтара олмайди. Энди Ғиротга ҳам бир коса майдан беринглар”, – деди. Гўрўғлибекнинг Ғиротига ҳам бир коса шаробдан сувга қўшиб бердилар. Шунда Гўрўғлибек қип-қизил валиоллоҳ бўлиб, етти қат осмонни, етти қат ерни, Говимоҳни ҳам кўрди”.[21] Бу тасвирда эпик қахрамон ҳам, эпик от ҳам бир вақтда азизлар қаторига қўшилиб, назаркарда бўлганлигини изоҳлайди.

Ўзбек халқ достонларида отларга нисбатан энг кўп қўлланилувчи кичик эпик формулаллардан яна бири бу “араби” эпитетидир. Атаманинг луғавий маъносига кўра араб халқларига тегишли деган мазмунни берсада, бу кичик эпик формула билан қўлланилган барча отлар араблардан олинган деган фикрга бориш тўғри эмас. Етук фольклоршунос Ҳоди Зариф “Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар” мақоласида “Араби ҳозирги Туркманистонда эрамиздан илгари Парфия давлатида мавжуд ва машҳур ҳам Нисо отлари деб аталган арғумоқлар билан Шимолий Арабистон (Нажд) вилоятларидаги араб отларинг чатишишидан пайдо бўлган бир наслдир”[22] деган фикрни беради. Ўзбек халқ достонларида орасида шажаравий насли аниқроқ тасвирланган от бу “Гўрўғли” туркуми достонларидаги Ғирот образи саналади. Ғиротнинг биографияси юқоридаги фикрга айни мос келади. Масалан, Пўлкан шоир куйлаган “Гўрўғлининг туғилиши” достонида Гўрўғли қабристонга келган қулуни ўлган бияни эмиб катта бўлади. Гўрўғли ота-она давлатидан ўзини эмизган биянигина олиб юртига қайтади. Хуросон кўли қирғоғида боқиб юради. Бир кунлари кўлдан бир айғир чиқиб бияга чопади, ўзи яна кўлга кириб ғойиб бўлади. Бия бўғоз бўлиб, урғочи қулун туғади. Қулунини маълум муддат эмизгандан кейин ўлади. Гўрўғли бия қулунни тарбиялаб уч ёшга етказганда, Райхон арабнинг тулпоридан насл олади.[23] Кейин бу бия ҳам ўлади. Ғиротнинг онаси шу бия, отаси Райхон арабнинг оти ҳисобланади. Натижада отнинг шажараси қуйидаги тартибни олади: Гўрўғли эмган бия + сув тулпори = тулпор бия; тулпор бия + Райҳон араб тулпори = Ғиркўк. Қодир шоир ва Абдуназар бахши вариантларида эса: бия + Сув оти = Тарлон бия, Тарлон бия + Райҳон араб тулпори = Ғиркўк кўринишида берилган. Ғиротнинг эпик биографиясига оид бу деталлар юқорида келтирилган “араби” отлар насли Ўрта Осиё ва араб отларининг чатиштирилиши ҳосил бўлган насл эканлиги

[21] Гўрўғлининг туғилиши. Раҳматулла Юсуф ўғли варианти. ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. № 1692.

[22] Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар. Жанговор от образининг қадимий асосларига доир.//Ўзбек халқ ижоди бўйича текширишлар.Пўлкан шоир. –Т., Фан, 1994. – Б.68.

[23] Гўрўғлининг туғилиши. Пўлкан бахши варианти. Ўзбек халқ ижоди .– Т. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.1967.

ҳақидаги фикрнинг халқ бахшилари тилида айтилган бадиий ифодаси дейишимиз мумкин.

Ўзбек халқ достонларида энг яхши тулпор отлар кўк тусда деб таърифланади. Бойчибор, Ғиркўк, Кўкқашқа, Кўкдўнан барчаси кўк рангли отлар саналади. Уларнинг тусини ифодаловчи бу сўз рамзийлик касб этиб, бахшилар эпик хотирасида ўз ўрнини топган кичик эпик формула саналади. Бу кичик эпик формулалар қаторида от образини ойдинроқ тасвирлашга кўмак берувчи, уларнинг турли сифатларини кўрсатувчи бедов, дол, пироғ, тўбичоқ, арғумоқ, аспи қуш, аспи този каби кичик эпик формулалар мавжуд бўлиб, улар отларнинг хусусияти, сифатини билдириб, матнга таъсирчанлик бағишлаб, айни дамда бахшилар бадиҳаси учун тайёр кўмакчи вазифасини адо этадилар. Улар отнинг муайян хусусиятига урғу бериб, ана шу хусусиятини бўрттириб кўрсатадилар.

Учинчи **“Ўзбек халқ достонларидаги ўрта ва катта эпик формулалар”** бобимизнинг биринчи фаслини **“От образи билан боғлиқ ўрта эпик формулалар ва уларнинг бадиияти”** деб номладик. Ўзбек халқ достонларида муайян бир рамзий образлар, ифодалар такрор ва такрор қўлланилиб, анъана шаклини олади ва кичик эпик формулага айланади. Бадиий жиҳатдан тўлиқ шаклланган, асрлар синовидан ўтган кичик эпик формула уни ойдинроқ ифодаловчи ёндош сўзлар билан мазмуний бутун, маълум бир фикр, тасдиқ ёҳуд инкор мазмундаги ҳабар сифатида мисра ёки банд шаклида барқарорлик касб эта бошлайди ва доимий бир шаклда қўлланила бошлагач, ўрта эпик формула қаторига кириб, бахшининг эпик хотирасида мукум ўрнашади. Улар анъанавий барқарор шакллар сифатида ўзбек халқ достонларининг сюжет ва композициясида муҳим рол ўйнайди. Ўрта эпик формулалар қуйилиб келаётган фикр оқимини бошқаришга кўмаклашувчи импровизация жараёнида ёрдамчи восита вазифасини бажариш билан бир қаторда бахши ва достон ўртасида кўприк, руҳий боғловчилик вазифасини ҳам ўтайди.

Ўрта эпик формулаларнинг катта қисми бевосита от образи билан боғлиқ бўлиб, бундай эпик формулалар деярли барча достонларда учрайди. “От чопса гумбурлар тоғнинг дараси, Ботирни ингратар найза яраси”, “От деганинг мард йигитнинг қаноти, От минганнинг баланд бўлар ҳиммати”, “Отга йўл бермайди сойнинг ўраси, Ҳар кимнинг куни бор беш кун кўраси”, “Остимда бедовим ўйнар юз алвон, Олмос пўлат белда, эгнимда қалқон” каби формулалар бахши луғат фондида барқарор тайёр мисра сифатида ўрин олади.

